

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ҲАЙДАРОВ ШОХИДЖОН БАҲРИДИНОВИЧ

**«ЭКСКАВАТОР-ТРАНСПОРТ» МАЖМУАСИДА ТЕХНОЛОГИК
ЖИҲОЗЛАР ҚИСМИ ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
БЎЙИЧА ТЕХНИК ЕЧИМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ҳайдаров Шохиджон Баҳридинович

«Экскаватор-транспорт» мажмуасида технологик жиҳозлар қисми иш
самарадорлигини ошириш бўйича техник ечимларни ишлаб чиқиш..... 3

Хайдаров Шохиджон Баҳридинович

Разработка технических решений по повышению эффективности
работы узлов технологических оборудований в комплексе «экскаватор-
транспорт»..... 21

Khaydarov Shokxidjon Bakhridinovich

Development of technical solutions to improve the efficiency of
technological equipment units in the «excavator-transport» complex..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ҲАЙДАРОВ ШОХИДЖОН БАҲРИДИНОВИЧ

**«ЭКСКАВАТОР-ТРАНСПОРТ» МАЖМУАСИДА ТЕХНОЛОГИК
ЖИҲОЗЛАР ҚИСМИ ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
БЎЙИЧА ТЕХНИК ЕЧИМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоний – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.3.PhD/Т2370 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Атакулов Лазизжон Нематович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тошов Жавохир Буриевич
техника фанлари доктори, профессор

Райханова Галия Елеубаевна
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ

Диссертация химояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 1 апрел соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (89 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2022 йил 15 март куни тарқатилди.

(2022 йил 15 мартдаги 44 рақамли реестр баённомаси)



И.Т.Мислибаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Ш.Заиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.А.Абдуазизов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кончилик саноатининг жадал ривожланиши ва кон саноати тараққиётининг кундан кун юксалиб бораётганлиги, конларда фойдали қазилмаларни ва тоғ жинсларини қазиб олиш ва ташиш ишларида, кон ускуна ва жиҳозларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш, уларни такомиллаштириш ҳамда таъмирлаш ишлари сифатини оширишни талаб этади. Очiq конларда фойдали қазилмаларни ва тоғ жинсларини қазиб олиш ва ташиш ишларида замонавий экскаватор-транспорт мажмуаларини қўллаш, иш унумдорликнинг ошишига, тоғ жинсларини ташишда масофанинг қисқаришига ва умумий харажатларнинг камайишига олиб келади. Натижада карьерларда экскаватор-транспорт мажмуаларини узлуксиз тизим билан боғлаган ҳолда улардаги кон ускуна-жиҳозларни модернизация қилишга, уларни такомиллаштиришга ҳамда қайта жиҳозлашга эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда бугунги кунда карьерларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш, кончилик ишлари жараёнларини хавфсиз ва сифатли олиб бориш, экскаватор-транспорт мажмуаларининг самарали ишлашини таъминлаш, экскаватор компрессори фильтр қурилмаси орқали ўтувчи чанг миқдорини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш ва экскаватор компрессори ускунаси фильтри қурилмасини янги конструкциясини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада экскаваторлар ва транспорт машиналари фаолиятининг ишончлилигини, бардошлилигини, самарадорлигини ошириш, такомиллаштириш, кон ускуналарининг носозликларини камайтириш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, харажатларни камайтириш, шунингдек, ишчи аъзолардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тоғ жинсларини қазиб олиш ва ташишда экскаватор-транспорт мажмуаси ускуналари бардошлилиги, ишончлилиги, сифатлилигини таъминлаш, таъмирлашнинг ресурс тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш асосида экскаватор ишчи аъзолари, фильтр қурилмалари, конвейер роликлари ва тасмаларининг хизмат муддатини ошириш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида¹ «иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва кон-металлургия саноатидаги йирик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кон қазиб олиш ишлари самарадорлигини ошириш, фойдали қазилма нархини пасайтириш ва йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори.

оширишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кон ускуналарини эксплуатация қилиш жараёнида жиҳозлардан самарали фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги олимлар Анистратов Ю.И., Близнюков В.Г., Бойко Г.Х., Виноцкий К.Е., Галкин В.И., Гавришев С.Е., Груздева А.В., Донченко Т.В., Истомин В.В., Каплунов Д.Р., Кантович Л.И., Лигоцкий Д.Н., Мельников Н.В., Николаев В.Н., Новожилов М.Г., Подэрни Р.Ю., Ржевский В.В., Русихин В.И., Спиваковский А.О., Стрелников А.В., Тангаев И.А., Томаков П.И., Трубецкой К.Н., Шешко Е.Е., Шеметов П.А., Яковлев В.Л., Хохряков В.С., Абдуазизов Н.А., Атақулов Л.Н., Ajoy K. Ghose, S. Burt, S. Hill, P. Welgama, R. Ganguli, S. Vandopadhyay, Per-Anders Akersten, Howard L. Hartman, Jan M. Mutmanský, Jacek M. Czaplicki ва бошқалар илм-фан тараққиёти ривожига ўз хиссаларини қўшганлар ва катта натижаларга эришганлар. Улар очик конларни ўзлаштиришда такомиллаштирилган ва самарали даврий узлуксиз транспорт тизимини қўллашга, зарур ҳолатларда алоҳида транспорт машиналаридан фойдаланишга, тоғ жинсларини қазииш, ташиш ишларига илмий ва амалий нуқтаи назардан ёндашганлар. Ҳозирги вақтда экскаваторларнинг ишчи аъзолари, компрессор филтер қурилмалари ва конвейерлар роликлари ва тасмаларининг хизмат муддатини узайтириш бўйича ишлар етарлича ўрганилмаган.

Шу муносабат билан кончилик корхоналари учун муҳим бўлган кон ускуналари ишчи аъзоларини хизмат муддатини узайтириш ва ресурс тежайдиган техник ечимларни ишлаб чиқиш асосида экскаватор-транспорт мажмуаларининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш зарурияти юзага келади ва бу йўналишда кейинги тадқиқотларни давом эттириш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №БА-А3-021 – «Резинатросли тасмаларнинг бўғимларини улаш ресурс тежамкор тизимини ва ТҚК-270 тик қия конвейерида ишлатиладиган энергия тежамкор узатма мосламасини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «экскаватор-транспорт» мажмуаси ускуналари ишчи жиҳозларининг конструкциясини модернизациялаш асосида бардошлилиги, ишончилиги ва хизмат муддатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«экскаватор-транспорт» мажмуаси ишчи аъзоларини такомиллаштириш ва эксплуатацион самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва техник ечимлари таҳлили;

экскаватор компрессори фильтр қурилмаси орқали ўтувчи чанг микдорини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

экскаватор компрессори ускунаси фильтр қурилмасини янги конструкциясини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовларидан ўтказиш;

такомиллаштирилган фильтр қурилмасидан ўтувчи ҳаво оқимининг ҳаракатланиш йўналишини инobatга олувчи математик модель ишлаб чиқиш;

экскаватор таянч-дастак бош блокининг шкивидан пўлат сим арқоннинг чиқиб кетиш сабабларини аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича конструктив металл қоплама ишлаб чиқиш;

чўмич остки қисмининг очилиб-ёпилишига хизмат қилувчи ҳалқа ва зулфини хизмат муддатини ошириш усулини ишлаб чиқиш;

«экскаватор-транспорт» тизимида тасмали конвейерлар ролик таянчларига тушаётган зўриқмаларни тақсимлаш орқали уларнинг иш самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий кон-металлургия комбинати карьерларининг «экскаватор-транспорт» мажмуалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети «экскаватор-транспорт» мажмуасидаги экскаватор компрессор фильтри, чўмич ҳалқаси, бош блок шкиви ва тасмали конвейер роликлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация иши давомида тадқиқотнинг лаборатория-тажриба усули, саноат шароитларида назарий ва экспериментал тадқиқотлар, «Solid Works», «ANSYS» дастурий комплексларидан фойдаланган ҳолда техник ҳолатнинг математик ва рақамли моделларини таҳлил қилиш натижаларини назарий умумлаштириш, ўхшашлик усуллари, компрессор ускуналарининг фильтр қурилмасини математик моделлаштириш ва математик статистика таҳлилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

такомиллаштирилган фильтр қурилмасидан ўтувчи ҳаво оқимининг

ҳаракатланиш векторлари градиент, оқим, циркуляция, потенциал, дивергенция ва уюмлар боғлиқлиги ўрнатилган ҳамда ушбу боғлиқлик асосида ҳаво оқимининг ҳаракатланиш йўналишларининг математик модели ишлаб чиқилган;

экскаватор чўмичи ҳалқасига втулка ва мойлаш тизими жорий этилиши асосида ҳалқанинг ҳаракатланишида ишқаланиш, емирилишга нисбатан ресурс тежамкорлик боғлиқлиги ўрнатилган ҳамда чўмич ҳалқасига тушаётган оғирлик, ишқаланиш, акс таъсир кучлари натижасида юзага келаётган салбий оқибатли омиллар аниқланган;

экскаватор таянч-дастак бош блоки шкиви, пўлат сим арқони ва чўмич дастаги орасидаги боғлиқлик ҳамда пўлат сим арқонни шкифдан чиқиб кетмаслигини таъминловчи пўлат сим арқон ва дастак орасидаги оптимал бурчаги аниқланган;

тасмали конвейер таянч роликларига тушаётган зўриқмаларни тақсимлашда тасмадаги юкнинг тўлалик коэффициенти, роликлар узунликлари ва ён роликлар қиялик бурчаклари боғлиқлиги аниқланган ҳамда ўрта роликнинг хизмат муддатини узайтириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экскаватор компрессор ускунасида чанг зарраларининг меъёридан ортик ўтиб кетиши туфайли юзага келадиган тўхталишларни камайтириш имконини берувчи фильтрнинг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган;

экскаватор чўмичи ҳалқасини ҳаракатланишида ишқаланиши, емирилиши натижасида чўмич орқа қисмини осилиб қолишини бартараф этишда ҳалқага втулка ва мойлаш тизими ишлаб чиқилган;

экскаватор таянч-дастак (стрела) бош блоки шкивидан пўлат сим арқоннинг чиқиб кетишини олдини олиш учун конструктив металл қоплама ишлаб чиқилган;

тасмали конвейер ён роликка нисбатан ўрта роликка тушаётган зўриқма натижасида муддатидан аввал ишдан чиқишини таянч роликлар зўриқмасини тақсимлаш асосида ўрта роликнинг хизмат муддатини узайтириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишлаб чиқаришдаги экспериментал тадқиқотлар асосида фильтр қурилмасидан ўтувчи ҳаво оқимининг ҳаракатланиш йўналишлари математик модели, экскаватор чўмичи ҳалқасининг ишлаш муддати узайтирилиши учун қўшимча жиҳозларнинг яратилиши, чўмични кўтарувчи пўлат сим арқони ва дастак орасидаги бурчакнинг оптималлаштирилиши қониқарли натижаларни берганлиги ва ушбу натижалар замонавий ANSYS дастурий таъминотидан фойдаланилган ҳолда олинган натижалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экскаватор ишчи аъзоларини такомиллаштириш ва конвейер роликларининг конструкцион ўлчамларини ўзгартириш, фильтр қурилмасининг математик моделини ишлаб чиқиш ва

такомиллаштириш асосида экскаватор-транспорт тизими иш унумдорлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экскаватор чўмичи орқа қисми ҳалқасига конструктив ўзгартириш киритилганлиги, бош блокдан пўлат сим арқоннинг чиқиб кетмаслиги учун ҳисобий кўрсаткичлар асосида ҳимоя металлари ўрнатилганлиги ва компрессор ускунаси филтёр қурилмасини конструктив такомиллаштирилганлиги эвазига эксплуатацион самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экскаватор-транспорт мажмуаси ишчи жиҳозларини такомиллаштириш ва эксплуатацион самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экскаватор чўмичи ҳалқасида втулка ва мойлаш найчаси ҳамда экскаватор таянч-дастак (стрела) бош блоки шкивидан пўлат сим арқоннинг чиқиб кетмаслиги учун конструктив металл қоплама Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси Даугизтау карьериди амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 2 августдаги 02-06-07/7724-сон маълумотномаси). Натижада, экскаватор чўмичини таъмирлаш давомийлигини 15-20% га, эҳтиёт қисмлар сарфи меъёрларини 5-10% га, таъмирлаш харажатларини 10-15% га камайтириш имконини берган;

экскаваторнинг компрессор ускунаси филтёр қурилмасининг такомиллаштирилган конструкцияси Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси Даугизтау карьериди амалиётга жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 02-06-07/9555-сон маълумотномаси). Натижада, экскаватор компрессор ускуналари филтёрдан ўтиб кетувчи чанг миқдорини 15% га камайтириш ва компрессор ускунасининг хизмат муддатини 1,15 баробарга узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 1 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг аҳамияти ва долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда


тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экскаватор-транспорт мажмуаси иш самарадорлигини ошириш бўйича техник ечимлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида очик кончилик ишларида даврий узлуксиз транспорт тизими рационал схемасининг эксплуатацион кўрсаткичлари, уларни карьер чуқурликларининг ошиши билан қўлланилиши, экскаватор ишчи аъзолари иш самарадорлигини оширишда таъсир этувчи омиллар ва ишлаб чиқаришда ишлатилаётган тасмали конвейер роликлари бўйича таҳлиллар келтирилган. Пўлат сим арқонли экскаваторларнинг саноат кўрсаткичлари Навоий кон-металлургия комбинати конлари миқёсида кўриб чиқилган. Диссертация мавзуси бўйича карьерларда даврий узлуксиз транспорт (ДУТ) тизимини такомиллаштиришнинг ва эксплуатация самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди ва илмий тадқиқотлар таҳлили ўтказилди.

Карьерлар унумдорлигини ошириш, тоғ жинсларини қазиб олиш ва ташиш таннархини камайтириш даврий узлуксиз транспорт тизими билан биргаликда доимий равишда ўз фаолиятини олиб бораётган экскаваторлар билан боғлиқлиги бўлганлиги учун «экскаватор-транспорт» мажмуалари сифатида қараб ўтилди. Ушбу мажмуага экскаватор, автомобиль ва конвейер транспортлари киради. «Экскаватор-транспорт» мажмуаларини қўллашга асосланган карьерларни лойиҳалаш ишларини амалга ошириш, геологик, кон-техник ва ташкилий омилларнинг карьер унумдорлигига таъсирини аниқлаш ва карьер унумдорлигининг қазиб олиш тизими параметрларига боғлиқлигини аниқлаш, технологик схемаларнинг ишлатилиш кўламини асослаш лозим. 1-расмда «экскаватор-транспорт» мажмуаси тизимидан фойдаланишда А, В ва С пунктлардаги тоғ жинслари автосамосваллар ёрдамида юкловчи пунктларга ташилади, у ердан тасмали конвейер транспорти орқали юқорига узатилади.

Ҳозирги вақтда кўпгина конларда тоғ жинсларини ташиш автомобиль транспортдан фойдаланган ҳолда олиб борилмоқда, лекин карьерларнинг чуқурлашиб бориши билан даврий узлуксиз транспортлардан фойдаланиш унумдорлигининг ошишига ва автосамосвалларни 1,5-2,0 баробарга қисқартиришга имкон беради. Транспорт машиналарининг манёвр ишларини, ташиш қобилиятига қараб 1040-3045 соатгача камайишини таъминлайди, бу эса дизель ёқилғиси сарфининг 94-204 минг литрга камайишига эришилади.

Олиб борилган илмий изланиш ва тадқиқот таҳлиллари асосида экскаваторнинг ҳаракат механизмлари учун компрессор ускунаси филтёр қурилмасининг самарали конструкциясини ишлаб чиқиш, экскаватор чўмичи




1-расм. «Экскаватор-транспорт» мажмуаси рационал схемасининг қўлланилиши

орқа қисмининг очилиб-ёпилишига хизмат қилувчи ҳалқасида втулка ва мойлаш тизимини ишлаб чиқиш, экскаватор таянч-дастак (стрела) бош блоки шкивидан пўлат сим арқоннинг чиқиб кетмаслиги учун конструктив металл қоплама ишлаб чиқиш ва тасмали конвейер таянч роликларига тушаётган зўриқмаларни тақсимлашда ўрта роликнинг хизмат муддатини узайтириш усуллари ишлаб чиқиш бўйича диссертация ишининг вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Экскаватор компрессор ускунасининг ҳаво фильтри конструкциясини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида фильтр қурилмаси конструкциялари ва фильтрага таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган, экскаватор ҳаво фильтри конструкцияси такомиллаштирилган ва унинг экспериментал тадқиқоти олиб борилган ҳамда экскаватор фильтр қурилмасида ҳаво оқимининг ҳаракатланиш йўналишлари математик модели яратилган.

Экскаваторлар ишчи аъзоларининг ҳаракатланиш механизмлари




а – қобик; б – қобикнинг диффузори;
в – фильтр қурилмасига ҳаво ва ҳаво таркибидаги чангларнинг тўғридан-тўғри таъсири

2-расм. Фильтр қурилмаси


қурилмасининг қобиғи келтирилган бўлиб, у қобик цилиндрсимон шаклдаги металлдан тайёрланган. Унинг ичига бир қатламли фильтр қурилмаси жойлаштирилган. 2б-расмда қобикнинг диффузори келтирилган бўлиб, ҳаво кириш йўлаги ҳисобланади. 2в-расмда фильтр қурилмасига ҳаво ва ҳаво таркибидаги чангларнинг тўғридан тўғри таъсири тасвирланган бўлиб,

кирувчи ҳаво таъсирида фильтрнинг емирилиши кўрсатилган. 3-расмда пўлат сим арқонли экскаватор компрессор ускунаси фильтрлари устида 10 кун давомида олиб борилган тажрибалар натижасида, фильтр диффузор қисми атрофида ушлаб қолинган чанг заррачаларининг миқдорлари графиги келтирилган. Графикда вақт мобайнида чанг миқдорининг ошиб бориши ифодаланган.

юритмаларини керакли вақтда тўхтатишда тормоз цилиндрларига сиқилган ҳавони етказиб берувчи компрессор ускунасининг хизмати беқиёс ҳисобланади. Бунинг учун компрессор қурилмасига тоза ҳавони келиши ҳамда унинг жиҳозлари сифатли, ишончли, самарали ишлаши лозим. 2а-расмда фильтр



3-расм. Бир қатламли фильтр қурилмасининг диффузор қисмидаги ушлаб қолинган чанг миқдорининг кўрсаткичлари



а – қобик; б – қобикқа ҳаво тақсимловчи диффузор; в – тақсимланган ҳавонинг фильтр қурилмасига тарқалиши


4-расм. Икки қатламли фильтр қурилмаси

турибдики, ҳаво тақсимлагичи ўрнатилгандан кейин, чанг заррачалари фильтрнинг бутун юзаси бўйлаб тенг тарқалганлиги эвазига фильтрнинг ишлаш муддати 6 мартабагача узайишига эришилган.

5-расмда ЭКГ-8И №34, ЭКГ-8И №36, ЭКГ-5А №35 экскаваторларнинг компрессор ускуналарига икки қатламли фильтрлар ва фильтр ҳаво кириш йўлаги диффузорига йўналтиргичларни ўрнатган ҳолда 10 кун давомида тажрибалар олиб борилганида, диффузор қисми атрофида ушлаб қолинган


фильтрдаги чанг заррачаларининг миқдорлари графиги ифодаланган. Компрессор ускунаси орқали сўрилатган ҳаво оқимидаги чанг заррачаларининг миқдорини бир қатламли ҳамда икки қатламли фильтр қурилмаларидан ўтишини таққосланма экспериментал натижалари олинди.

Компрессор ускунаси фильтридан ҳаво чиқиш жойига аспиратор PU-4E қурилмаси ўрнатилди. Қурилма ёрдамида ҳаво ҳарорати, намлик, атмосфера босими, унумдорлик ва AFA-VP-20 алонж фильтрининг чанг кўрсаткичлари



6-расм. Тадқиқотлар натижасида бир қатламли ва икки қатламли фильтрлар солиштирма графиги

4а-расмда икки қатламли фильтр қурилмасининг қобиғи келтирилган бўлиб, у ҳам бир қатламли фильтр қурилмасидек цилиндр кўринишига эга. 4б-расмда металл йўналтиргичли ҳаво тақсимловчи диффузор тасвирланган бўлиб, унинг вазифаси кираётган ҳавони фильтрнинг тўлиқ юзаси бўйлаб тарқалишини таъминлашдан иборат. Олинган натижалар 4в-расмда яққол тасвирланган. Бундан кўришиб



5-расм. Икки қатламли фильтр қурилмасининг диффузор қисмидаги ушлаб қолинган чанг миқдорининг кўрсаткичлари

олинди. Ишлатилган AFA-VP-20 алонж фильтрига ўрнашиб қолган чанг оғирлиги Меттлер Толедо қурилма тарозиси ёрдамида ўлчанди.

6-расмда бир қатламли ҳамда икки қатламли фильтр қурилмасидан ўтган чанг миқдорининг график кўриниши ифодаланган. Унга асосан бир қатламли фильтр қурилмасидан

ўтган чанг миқдори икки қатламли фильтр қурилмасидан ўтган чанг миқдорига нисбатан 6 баробар кўп эканлиги кўриниб турибди.



а.

б.

а – бир қатламли филтрдан ўтган чанг; б – икки қатламли филтрдан ўтган чанг

7-расм. DMX-4 маркали микроскоп ёрдамида олинган натижалар

ўрнатилиши натижасида, ўтаётган чанг заррачалари миқдори 75% га камайтирилди, фильтр ишлаш муддати 6 баробарга узайтирилди ва компрессор хизмат муддати 1.15 баробарга оширилди.

Филтрлаш қурилмаси орқали ўтаётган ҳаво оқимининг ҳаракатланиш йўналишлари математик модели ишлаб чиқилди.

1. Оқим майдони қуйидагича ифодаланади:

$$K = \iint_S \vec{\omega} \cdot \vec{n} \cdot dS, \text{ м}^3/\text{с}, \quad (1)$$

бу ерда $\vec{\omega}$ – тезлик вектори, м/с; S – торайиб борадиган майдоннинг юзаси, м^2 ; \vec{n} – S юзасига бирлик меъёр вектори.

2. Майдон градиенти қуйидагича ифодаланади:

$$\text{gradu} = \frac{\partial u}{\partial x} \vec{i} + \frac{\partial u}{\partial y} \vec{j} + \frac{\partial u}{\partial z} \vec{k}, \quad (2)$$

бу ерда $\frac{\partial u}{\partial x}$, $\frac{\partial u}{\partial y}$, $\frac{\partial u}{\partial z}$ – хусусий ҳосила; \vec{i} , \vec{j} , \vec{k} – координата ўқларида ётувчи бирлик векторлар.

3. Вектор майдонининг дивергенцияси қуйидагича ифодаланади:

$$\text{div} \cdot \vec{\omega} \cdot (M) = \frac{\partial P}{\partial x} + \frac{\partial Q}{\partial y} + \frac{\partial R}{\partial z}, \quad (3)$$

бу ерда M – G майдондаги нуқталар; P , Q , R – йўналишга эга бўлмаган скаляр катталиқлар.

4. Вектор майдони циркуляцияси қуйидагича ифодаланади:

$$C = \oint_L \vec{\omega} \cdot d\vec{l} = \oint_L P dx + Q dy + R dz, \text{ м}. \quad (4)$$

5. Вектор майдонини уюрмаси қуйидагича ифодаланади:


Таҳлиллар натижаси DMX-4 маркали микроскоп ёрдамида ўрганилди, бир қатламли филтрлардан ўтган энг катта чанг заррачасининг ўлчами 10 мкм ни, икки қатламли филтрлардан ўтган энг катта чанг заррачаларининг ўлчамлари эса 3,5 мкм ни ташкил этади ва улар 7-расмда ифодаланган.

Компрессор қурилмасига икки қатламли фильтр ҳамда ҳаво йўналтиргичли диффузорнинг заррачалари миқдори 75% га камайтирилди, фильтр ишлаш муддати 6 баробарга узайтирилди ва компрессор хизмат муддати 1.15 баробарга оширилди.

$$\begin{aligned} \text{rot} \cdot \vec{\omega} \cdot (m) &= \left(\frac{\partial R(x, y, z)}{\partial y} - \frac{\partial Q(x, y, z)}{\partial z} \right) \vec{i} + \left(\frac{\partial P(x, y, z)}{\partial z} - \frac{\partial R(x, y, z)}{\partial x} \right) \vec{j} + \\ &+ \left(\frac{\partial Q(x, y, z)}{\partial x} - \frac{\partial P(x, y, z)}{\partial y} \right) \vec{k} = \left(\frac{\partial R}{\partial y} - \frac{\partial Q}{\partial z} \right) \vec{i} + \left(\frac{\partial P}{\partial z} - \frac{\partial R}{\partial x} \right) \vec{j} + \left(\frac{\partial Q}{\partial x} - \frac{\partial P}{\partial y} \right) \vec{k}. \end{aligned} \quad (5)$$

Шундай қилиб компрессор ускунасининг такомиллаштирилган фильтр қурилмасидан ўтувчи ҳаво оқимининг ҳаракатланиш векторлари билан градиент, оқим, циркуляция, потенциал, дивергенция ва уюмаларга боғлиқлиги ўрнатилди ва ушбу боғлиқлик асосида ҳаво оқимининг ҳаракатланиш йўналишлари математик модели ишлаб чиқилди.


Диссертациянинг «**Пўлат сим арқонли экскаваторларнинг ишчи аъзоларини таъмирлаш асосида уларни такомиллаштириш ва экспериментал тадқиқотлар**» деб номланган учинчи бобида экскаватор чўмичига эксплуатация жараёнида таъсир этувчи кучлар, экскаватор чўмичи кичик жиҳозларини такомиллаштириш асосида унинг хизмат муддатини ошириш, экскаватор ишчи аъзосидаги чўмични кўтарувчи механизмга таъсир этувчи кучларни тажриба-синов натижалари келтирилган.



- 1 – чўмич; 2 – чўмич остки қисми;
3 – ҳалқа (петля); 4 – чўмич тиши.
а – чўмич ва чўмич остки қисми;
б – чўмич остки қисми ҳалқаси

8-расм. Чўмич остки қисмини ушлаб турувчи ва очилишига хизмат қилувчи механизм ҳалқаси

Чўмич остки қисмини ушлаб туришга ва очилишига хизмат қилувчи механизм ҳалқа (петля) бўлиб, у ҳалқа чўмич қобиғи билан бириктириладиган бармоқ турадиган жойи (8а-расм, рангли чизиқ билан белгиланган) 18 ойдан 22 ойгача ишлаб бериши эксплуатация жараёнларида кузатилди. Бунинг сабаблари ўрганилганда, ҳалқага чанг орқали майда қиррали тошлар кириб қолиши натижасида ишқаланиш салбий таъсир қилмоқда. Бундан ташқари оғир зўриқмалар ҳисобига ҳалқа тез ишдан чиқиб, 100 мм бармоқ жойи (8б-расм) диаметри 125-130 мм гача катталашиб кетади ва у жойда бармоқлар ўйнаб қолиб ҳалқанинг синиб кетишига ёки чўмичнинг остки қисми осилиб қолиб, яхши ёпилмаслигига олиб келади. Чўмич билан унинг остки қисмини бириктириб турувчи ҳалқани бармоқ турадиган жойнинг ейланганлигини инобатга олиб, унга ички диаметри 101 мм бўлган втулка (9а-расм) ва



- а – втулка; б – мой ўтказувчи найча;
в – втулканинг мойланиш кесмаси

9-расм. Ҳалқанинг ишлаш муддатини ошириш учун керак бўлган деталлар


мойлаб турувчи тизим найча (9б-расм) кўйилди.

Натижада ҳалқанинг ишлаш муддати 60 ойдан 72 ойгача узайтирилди. 9в-расмда втулкани ишлаш жараёнида, ички ғадир-будирликларни мойлаш орқали силлиқлашнинг ярим кўндаланг кесими тасвирланган. Экскаватор чўмичига тушаётган оғирлик,

ишқаланиш, акс таъсир кучлари натижасида юзага келаётган салбий оқибатли омилларни бартараф этиш учун экскаватор чўмичи ҳалқасига втулка ва мойлаш найчаси жорий этилди. Ҳалқанинг ҳаракатланишида ишқаланиш, емирилиш ва ресурс тежамкорлигига боғлиқлиги ўрнатилди (10-расм) ва чўмич ҳалқасининг хизмат муддати 6 баробарга узайтирилди.



10-расм. Чўмич ҳалқаси металлни емирилишини вақтга боғлиқлик графиги



11-расм. Экскаватор чўмичининг зўриқиш кучларини аниқлаш схемаси

$$S_n = \frac{P_1 \cdot r_1 + G_{ch+t} \cdot r_2 \cdot \cos \alpha + G_r \cdot r_3 \cdot \cos \alpha}{r_4 \cdot \sin \beta}, \text{ кН}, \quad (6)$$


бу ерда r_1 ; r_2 ; r_3 ; r_4 лар – куч елкалари (таянчнинг ўртасида жойлашган зўриқма ўқига нисбатан кучларни қўллашда), м; G_{ch+t} – тоғ жинси билан чўмич оғирлиги, т; G_r – дастакнинг оғирлиги, т; S_n ва S_z – кўтариш кучи ва зўриқма кучи, кН; P_1 ва P_2 – таъсир этувчи ва меъёрий қазिश қаршилик компоненти, кН; α – дастак ва горизонтал чизиқ орасидаги бурчак, градус; β – чўмични кўтарувчи пўлат арқон ва дастак орасидаги бурчак, градус.

Чўмични кўтарувчи пўлат сим арқон олдинги торини салқилигини куйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\Delta x = \frac{P_1}{k \cdot 2g \sin \beta} = \frac{P_1 \cdot l}{ES \cdot 2g \sin \beta} = \frac{P_1 \cdot l \cdot 4}{E \pi D^2 \cdot 2g \sin \beta}, \text{ м}, \quad (7)$$


бу ерда l – пўлат сим арқон узунлиги, м; E – пўлат сим арқон учун Юнг модули, Н/м²; S – пўлат сим арқон кўндаланг кесими, м².

Экскаватор чўмичини кўтарувчи пўлат сим арқон ва дастак орасидаги оптимал чегаравий бурчак $60-90^0$ га тенг эканлиги аниқланди ҳамда пўлат сим арқонни шкивдан чиқиб кетишини олдини олиш учун бош блокда металл қопқоқ ўрнатилди (12-расм).



12-расм. Экскаватор бош блоки шкивдан пўлат сим арқоннинг чиқиб кетмаслиги учун металл қоплама ўрнатилган кўриниши


Ушбу металл қопқоқнинг ўрнатилиши эвазига пўлат арқоннинг узилиши, бош блок ўқининг ейилиши, чўмич мувозанатининг бузилиши, кўтарувчи редукторнинг юритмасида зўриқма ҳосил бўлиши ва бошқа омиллар бартараф этилди.



13-расм. Чўмични кўтарувчи пўлат сим арқон олдинги торининг горизонтал текисликдаги бурчагини, арқон олдинги торининг салқилигига боғлиқлик графиги

13-расмда чўмични кўтарувчи пўлат сим арқон олдинги торининг горизонтал текисликка нисбатан қиялик бурчагини, пўлат сим арқон олдинги торининг салқилигига боғлиқлик графиги келтирилган. Ушбу график орқали пўлат сим арқон билан горизонтал текислик орасидаги бурчак $60-90$ градус бўлганда, экскаватор таянч дастагини бош блоки шкивдан пўлат сим арқонни чиқиб кетмаслик салқилик масофаси $0,58-0,50$ м оралиғида бўлиши аниқланган.


Экскаватор таянч-дастак (стрела) бош блоки шкиви, пўлат сим арқони, чўмич дастаги ва чўмичнинг ўзаро кучлар тақсимоти асосида тоғ жинслари билан таъсирга киришиши, чўмични қазиб олиш жойидаги ботиклик бурчаги оптимал ҳолати $60-90^0$ да кучлар таъсирининг камайиши аниқланди (14-расм).



14-расм. Чўмични қазиб олиш жойидаги зўриқма кучи чўмич тишларининг қазиб олиш жойига таъсир этиш бурчагига боғлиқлик графиги


Диссертациянинг «Тасмали конвейерлар роликлари зўриқмаси тақсимоти усуллари ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида конвейерлар тасмасига ва таянч роликка тушаётган зўриқмани аниқлаш

келтирилган. Конвейер роликларига оғирлик кучи таъсири ва кучлар тақсимоти назарияси ишлаб чиқилган, шунингдек, ANSYS дастурий таъминоти орқали конвейер тасмаси ва роликлари зўриқмалари тақсимоти моделлаштирилган ҳамда таклиф этилаётган техник ечимларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган. Тасмали конвейер роликларига оғирлик кучи таъсири ва кучлар тақсимотини аниқлаш, роликнинг ўлчамлари, ён роликларнинг қиялик бурчаклари, тасманинг оғирлиги ва тоғ жинсининг бир метрдаги массасига боғлиқ бўлади (15-расм). Тасмали конвейер эксплуатацияси жараёни Даламбер принципига асосан роликларни мувозанат ҳолатида деб ҳисоблаб, реакция кучлари кўриб чиқилди. 16-расмда кучларни x, y ўқлар бўйича проекцияланди, конвейер ён ва ўрта роликларига таъсир қилувчи кучлар қуйидагича аниқланди.



15-расм. Роликларнинг асосий параметрлари

Роликка таъсир қилувчи кучлар, реакция кучининг меъёрий йўналиши R_A реакция кучи орқали ифодаланади.



16-расм. Ён ва ўрта роликларга таъсир қилувчи кучлар

Тасма ва юкнинг оғирлик кучлари вертикал ҳолатда йўналганлиги эвазига кучларни ўққа нисбатан проекцияланиши қуйидагича аниқланади:

$$\sum F_y = R_A \cdot \cos \beta - Q_{yuk} \cdot g - Q_{tas} \cdot g = 0. \quad (8)$$

Ён роликка тушадиган реакция кучи қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$R_A = \frac{k_t \cdot l \cdot h \cdot \sin(90 - \beta) \cdot v \cdot \gamma \cdot k_t + G_{tas} \cdot B}{\cos \beta} \cdot g, \text{ кН}. \quad (9)$$

Ўрта роликка тушадиган реакция кучи қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$R_B = G_{tas} \cdot B \cdot g + h \cdot l \cdot v \cdot \gamma \cdot k_t \cdot g, \text{ кН}, \quad (10)$$

бу ерда Q_{yuk} – 1 м узунликдаги тоғ жинси оғирлиги, кг/м; Q_{tas} – 1 м узунликдаги тасма оғирлиги, кг/м; v – тасма тезлиги, м/с; γ – тоғ жинси зичлиги, кг/м³; k_t – тўлалик коэффициенти; G_{tas} – 1 м² тасма оғирлиги, кг/м²;

B – конвейер тасмасининг эни, м;
 β – ён роликлар орасидаги бурчак,
град; l – ролик узунлиги, м; h – тоғ
жинсини тасма устидаги баландлиги,
м. K_B – тасма кенглигидан фойдаланиш
коэффициенти.

Ўрта ва ён роликлар реакция
кучларини тўлалик коэффициентиға
боғлиқлиги асосида ўрта ролик
реакция кучи катта эканлиги ва ён
роликларда реакция кучи кичик бўлиши
аниқланди (17-расм). Ўрта роликка
тушувчи реакция кучини мувозанатлаш ҳар
бир роликка нисбатан реакция
кучларига боғлиқ бўлади.

Ён ва ўрта роликлар узунликларининг
зўриқмага боғлиқлик тақсимоти
қуйидаги формула орқали аниқланади:


$$l = \frac{G_{tas} \cdot B \cdot \sin \beta}{k_t \cdot h \cdot \cos \beta \cdot \gamma}, \text{ м.} \quad (11)$$

Ён роликда жойлашган тасмага тоғ
жинсининг тегиб турган жойининг
узунлиги қуйидагича аниқланади:

$$l_r = 0.5 \cdot B \cdot (K_B - K_{prop}), \text{ м.} \quad (12)$$


Конвейер роликларига берилаётган
зўриқма тақсимоти асосида ўрта
роликнинг узунлиги қуйидаги формула
орқали аниқланади:

$$l_p = K_{prop} \cdot B - \frac{G_{tas} \cdot B \cdot \sin \beta}{k_t \cdot h \cdot \cos \beta \cdot \gamma}, \text{ м.} \quad (13)$$



18-расм. Роликлар узунлиги ва ён ролик қиялик бурчагига боғлиқлик графиги

узунликларини тескари пропорционал
равишда ўзгариши келтирилган. Ён
роликлар билан ўрта роликлар узунликлари
фарқи тоғ жинси зичлигига, тўлалик
коэффициентиға, тасма оғирлиги ва эниға
ҳамда ён роликнинг қиялик бурчакларига
боғлиқлиги аниқланди. Математик
ишланмалар асосида тасмали конвейер
таянч роликларига тушаётган зўриқмаларни
тақсимлашда тасмадаги юкнинг тўлалик
коэффициенти, роликлар узунликлари ва ён
роликлар қиялик бурчаклари боғлиқлиги
ўрнатилди, натижада ён



17-расм. Ўрта ва ён роликларнинг реакция кучлари тўлалик коэффициентиға боғлиқлиги

Ўрта роликка тушувчи реакция кучини
мувозанатлаш ҳар бир роликка нисбатан
реакция кучларига боғлиқ бўлади.

Ён ва ўрта роликлар узунликларининг
зўриқмага боғлиқлик тақсимоти
қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$l = \frac{G_{tas} \cdot B \cdot \sin \beta}{k_t \cdot h \cdot \cos \beta \cdot \gamma}, \text{ м.} \quad (11)$$

Ён роликда жойлашган тасмага тоғ
жинсининг тегиб турган жойининг
узунлиги қуйидагича аниқланади:

$$l_r = 0.5 \cdot B \cdot (K_B - K_{prop}), \text{ м.} \quad (12)$$

Конвейер роликларига берилаётган
зўриқма тақсимоти асосида ўрта
роликнинг узунлиги қуйидаги формула
орқали аниқланади:

$$l_p = K_{prop} \cdot B - \frac{G_{tas} \cdot B \cdot \sin \beta}{k_t \cdot h \cdot \cos \beta \cdot \gamma}, \text{ м.} \quad (13)$$

(11) формула асосида ролик
таянчларининг ўрта ва ён
роликларга тушадиган таъсир
кучларининг бир хил тушиши
кўриб чиқилган. 18-расмда ролик
таянчларидаги ўрта ва ён роликлар
узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

узунликлари фарқини, ён
роликнинг қиялик бурчагига
боғлиқлик графиги келтирилган
бўлиб, ён ролик қиялиги ошиб
борган сари, ўрта ва ён ролик

роликларнинг бурчаклари $0-36^{\circ}$ оралиғида ўзгариши ўрта роликнинг 450-304 мм узунликларда кучларни тақсимлайди ва ўрта роликлар хизмат муддатини узайтиради. Ишлаб чиқилган техник ишланмалар асосида, экскаватор компрессор ускунаси фильтр қурилмаси, чўмич ҳалқасига ўрнатилган втулка ва мойлаш найчаси ҳамда бош блок шкифига металл ҳимоя қобиқнинг ўрнатилишлари эвазига таъмирлаш давомийлиги 15-20%, эҳтиёт қисмлар меъёрлари сарфи 5-10% ва таъмирлаш харажатлари 10-15% га камайганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

«Экскаватор-транспорт мажмуаси технологик жиҳозлар қисми иш самарадорлигини ошириш бўйича техник ечимларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Даврий узлуксиз транспорт мажмуаларининг қўлланилиши йиллик унумдорликнинг ошишига ва автосамосвалларни 1,5-2,0 баробарга қисқартиришга имкон беради. Транспорт машиналарининг манёвр ишларини, ташиш қобилиятига қараб 1040-3045 соатгача камайишини таъминлайди, бу эса дизель ёқилғиси сарфининг 94-204 минг литрга камайишига эришилади.

2. Экскаватор компрессор ускунаси икки қатламли фильтр қурилмаси янги конструкцияси ишлаб чиқилиши натижасида 75% чанг миқдорини ушлаб қолишга ва компрессорнинг ишлаш муддатини 1,15 баробарга оширишга эришилади. Компрессор фильтр қурилмаси қобиғининг диффузорига ҳаво тақсимлаш металл йуналтиргичлари ўрнатилди ва бу фильтр қурилмасининг ҳаво кириш қисмидан кираётган ҳаво фильтр қобиғи бўйлаб тақсимланиши натижасида фильтрга зарар етказмасдан ишлаб бериш муддатини 6 баробарга узайтиради.

3. Компрессор ускунасининг икки қатламли фильтр қурилмаси учун такомиллаштирилган ҳаво тозалаш қурилмасидан ўтувчи ҳаво оқимининг ҳаракатланиш векторлари градиент, оқим, циркуляция, потенциал, дивергенция ва уюрмаларга боғлиқ математик модели яратилади.

4. Экскаватор чўмичига тушаётган оғирлик, ишқаланиш, акс таъсир кучлари натижасида юзага келаётган салбий оқибатли омилларни бартараф этиш учун экскаватор чўмичи ҳалқасига втулка ва мойлаш тизими жорий этилди ва ҳалқанинг ҳаракатланишида ишқаланиши, емирилиши ва ресурс тежамкорлигига боғлиқлиги ўрнатилган ҳамда чўмич ҳалқасининг хизмат муддати 6 баробарга оширилади.

5. Экскаватор таянч-дастак (стрела) бош блоки шкиви, пўлат сим арқони, дастак ва чўмичнинг ўзаро кучлар тақсимоти асосида тоғ жинслари билан таъсирга киришиши, чўмични қазиб олиш жойидаги ботиқлик бурчаги оптимал ҳолати $60-90^{\circ}$ да кучлар таъсирининг камайишини ва экскаватор таянч дастагини бош блокдан пўлат сим арқонни чиқиб кетмаслик салқилик масофаси 0,58-0,50 м оралиғида бўлишига эришилади.

6. Математик ишланмалар асосида тасмали конвейер таянч роликларига тушаётган зўриқмаларни тақсимлашда тасмадаги юкнинг тўлалик коэффициенти, роликлар узунликлари ва ён роликлар қиялик бурчаклари боғлиқлиги ўрнатилди, натижада ён роликларнинг бурчаклари $0-36^{\circ}$ оралиғида ўзгариши ўрта роликнинг 450-304 мм узунликларда кучларни тақсимлайди ва ўрта роликлар хизмат муддатини узайтиради.

7. Ишлаб чиқилган техник ишланмалар асосида, экскаватор компрессор ускунаси фильтр қурилмаси, чўмич ҳалқасига ўрнатилган втулка ва мойлаш найчаси ҳамда бош блок шкифига металл ҳимоя қобиқнинг ўрнатилишлари эвазига таъмирлаш давомийлиги 15-20%, эҳтиёт қисмлар меъёрлари сарфи 5-10% ва таъмирлаш харажатлари 10-15% га камайганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

ХАЙДАРОВ ШОХИДЖОН БАХРИДИНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНИЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ ПО ПОВЫШЕНИЮ
ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ УЗЛОВ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ
ОБОРУДОВАНИЙ В КОМПЛЕКСЕ «ЭКСКАВАТОР-ТРАНСПОРТ»**

04.00.16 – Горные машины

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Навои – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.3.PhD/T2370.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен в веб-странице научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Атакулов Лазизжон Нематович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Тошов Жавохир Буриевич
доктор технических наук, профессор
Райханова Галия Елеубаевна
кандидат технических наук

Ведущая организация:

АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»

Защита диссертации состоится 1 апреля 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.17/04.06.2021.T.06.02 (адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №89). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 15 марта 2022 года.

(реестр протокола рассылки №44 от 15 марта 2022 года).



И.Т.Мислибаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ш.Ш. Заиров
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.А. Абдуазизов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ускоренное развитие горной промышленности и увеличение достижения прогресса горной промышленности с каждым днём требуют при добыче полезных ископаемых и транспортировке модернизации, переоснащения, усовершенствования горного оборудования, а также внедрения новых технологий и повышения качества ремонтных работ. Использование современных экскаваторно-транспортных комплексов при добыче и транспортировке горной массы в карьерах приводит к повышению производительности, сокращению расстояний при перевозке горных пород и снижению общих затрат. В результате приобретает важное значение и требует особого внимания при модернизации и усовершенствовании, а также переоборудовании горного оборудования, связывая экскаваторно-транспортные комплексы с циклическими системами.

На сегодняшний день в мире ведутся научные исследования по повышению технико-экономических показателей карьеров, качественному и безопасному проведению процессов горных работ, обеспечению эффективной работы экскаваторно-транспортных комплексов, разработке методов определения количества пыли, проходящих через фильтрующие устройства компрессора экскаватора, и совершенствованию конструкции фильтрного устройства компрессора экскаватора. В связи с этим уделяется особое внимание повышению надежности, устойчивости, эффективности работы, усовершенствованию экскаваторов и транспортных машин, уменьшению отказов горных оборудований, своевременному проведению технического обслуживания и ремонта, уменьшению затрат, а также проведению научных исследований и анализу работы экскаваторно-транспортных комплексов промышленных предприятий, направленных на их эффективное использование.

В Республике выполняется ряд научно-практических работ по внедрению научно обоснованных мероприятий по обеспечению устойчивости, надежности, качества оборудований комплексов «экскаватор-транспорт», по увеличению долговечности рабочих органов экскаваторов, фильтрующих устройств, конвейерных роликов и лент на основе разработки ресурсосберегающей технологии ремонта. Исходя из намеченных задач в постановлении Президента Республики Узбекистан² «О дальнейшем развитии и либерализации экономики, создании дополнительных условий для инвестирования в модернизацию производства и повышение конкурентоспособности крупных предприятий горно-металлургической отрасли...». В связи с этим важно выполнять задачи по повышению эффективности горных работ, уменьшению себестоимости полезных ископаемых и достижению увеличения годовой промышленной производительности.

² Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли».

